

Олий аттестация комиссияси бўйича
2023 йил 10 мартағи 9-сон бўйруқ билан
тасдиқланган

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган
Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид
Давлат дастури тўғрисида»ги фармонининг 2-банди ижроси юзасидан Олий аттестация комиссиясининг
ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ**

T/P	Чора тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Муддати	Масъуллар
I. Аттестация тизимида масофадан туриб, шу жумладан мобил иловалар орқали қўрсатиладиган давлат хизматларини кўпайтириш				
1.	Илмий даражалар (фалсафа доктори (PhD), фан доктори (DSc)) ҳамда хорижий давлатларда илмий даража олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) жараёнини рақамлаштириш.	<p>1. Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясига оид хужжатларни қабул қилиш/жўнатиш жараёнини тўлиқ (100%) рақамлаштиришни ташкил қилиш.</p> <p>2. Фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражалари бўйича барча хужжатларни талабгорларнинг жонли иштирокисиз ахборот тизимлари орқали қабул қилишни йўлга қўйиш.</p> <p>3. Хорижий давлатларда илмий даража олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) бўйича аттестация жараёнини тўлалигича Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХПнинг мобил иловаси (шахсни Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациялашда) орқали қабул қилишни ташкил қилиш.</p>	2023 йил 1 сентябрь	ОАК
2.	Илмий даражалар ва илмий унвонларда тасдиқлангани ҳақидаги QR-код қўйилган хужжатларни (диплом, аттестат) илова қилган ҳолда талабгорларга маълумот берувчи хизматни амалга ошириш бўйича Маъмурий регламентни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.	1. Илмий даражалар ва илмий унвонларда тасдиқлангани ҳақидаги QR-код қўйилган хужжатларни илова қилган ҳолда талабгорларга маълумот берувчи хизматни амалга ошириш бўйича Маъмурий регламентни ўрнатилган тартибда тасдиқлаш.	2023 йил 1 сентябрь	ОАК

	давлат хизматлари порталига интеграциялаш.	2. Маъмурий регламент асосида Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграциялаш бўйича дастурий-техник ишларни ташкил қилиш 3. Хизматдан Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки унинг мобил иловаси (шахсни Мобил-ID тизими ёрдамида идентификациялашда) орқали амалга ошириш имкониятини яратиш.		
3.	Илмий даражалар дипломлари ва илмий унвонлар аттестати учун тўловларни электрон тўлов тизими билан интеграциялаш.	1. Илмий даражалар дипломлари ва илмий унвонлар аттестати учун тўловларни электрон тўлов тизими билан интеграциялаш бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқилади. 2. Муқобил электрон тўлов тизимлари билан интеграция қилиниб, амалиётга жорий этилади.	2023 йил 1 октябрь	ОАК

II. Ундириладиган тўловлар миқдорини камайтириш

4.	Илмий даража ва илмий унвон бўйича давлат намунасидаги хужжатларни тақдим этиш давлат хизматини кўрсатиш	“Илмий даража ва илмий унвон бўйича давлат намунасидаги хужжатларни тақдим этиш давлат хизматини кўрсатишнинг Маъмурий Регламенти” лойиҳасини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш.	2023 йил 1 сентябрь	ОАК
5.	Хорижий давлатларда илмий даражалар олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш тартибини такомиллаштириш ва давлат хизматини кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш	“Хорижий давлатларда илмий даражалар олганлик тўғрисидаги хужжатларни тан олиш тартиби ҳақидаги Маъмурий Регламенти” лойиҳасини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш.	2023 йил 1 сентябрь	ОАК
6.	Аттестация жараёнида кўрсатиладиган хизматлар учун ундириладиган тўловлар миқдорини камайтириш (бекор қилиш).	Илмий даража ва илмий унвон бўйича нострификация қилиш бўйича ОАК томонидан кўрсатиладиган хизматларни бепул амалга оширишни ташкил қилиш.	2023 йил 1 сентябрь	ОАК

III. Талаб қилинадиган ортиқча хужжатларни бекор қилиш

7.	Илмий даражалар (фалсафа доктори (PhD), фан доктори (DSc)) ва илмий унвонлар (профессор, доцент, катта илмий ходим) бериш ҳамда хорижий давлатларда илмий даража олганлик тўғрисидаги	1. Илмий унвонга талабгор тўғрисидаги объектив-маълумотномани талаб қилишни бекор қилиш; 2. Илмий даражага талабгор тўғрисидаги объектив-маълумотномани талаб қилишни бекор қилиш;	2023 йил 1 сентябрь	ОАК
----	---	---	---------------------	-----

<p>хужжатларни тан олиш ва нострификациялаш (эквивалентлигини кайд этиш) бўйича давлат хизматларини кўрсатишда талаб қилинадиган ортиқча хужжатларни бекор қилиш</p>	<p>3. Илмий ва педагогик лавозимларда ишлагани ҳақида меҳнат дафтарчасининг иш жойидан тасдиқланган нусхасини талаб қилишни бекор қилиш;</p> <p>4. Илмий даража талабгоридан илмий ва илмий-услубий ишларнинг ҳаммуаллифлардан ёзма розиликни талаб қилишни бекор қилиш;</p> <p>5. Илмий унвон талабгоридан илмий ва илмий-услубий ишларнинг ҳаммуаллифлардан ёзма розиликни талаб қилишни бекор қилиш;</p> <p>6. Диссертация ҳимояси тўғрисида республика оммавий ахборот воситалари (марказий нашрлар)да, ОАК веб-сайтида ёки «ОАК Бюллетени» журналида бериладиган эълон нусхаларини талаб қилишни бекор қилиш;</p> <p>7. Диссертациялар ҳимоясига оид маълумотларни «ZiyoNET» таълим ахборот тармоғига жойлаштиришни бекор қилиш;</p> <p>8. Хорижий давлатларда илмий даража олганлик тўғрисидаги талабгорнинг иш жойидан тасдиқланган ёки унинг имзоси қўйилган ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақасини талаб қилишни бекор қилиш.</p> <p>9. Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича фан доктори (DSc) илмий даражаси диссертацияси бўйича монография эълон қилишни бекор қилиш.</p> <p>10. Олий таълим ва илмий ташкилотлар нуфузи ва масъулиятини оширишда фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражалари диссертациялари мавзуларини ОАКда рўйхатга олиш ва уларни эълон қилиш амалиётини бекор қилиш.</p> <p>11. Диссертациялар илмий натижаларини эълон қилиш тавсия этилган миллний ва халқаро журналлар рўйхатини тасдиқлаш амалиётини бекор қилиш.</p>		
--	--	--	--

IV. Аттестация ишларини кўриб чиқиши жараёнлари ва муддатларини қисқартириш				
8.	Фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражалари бўйича аттестация тадбирларини ўтказиш муддатларини қисқартириш.	<p>1. Диссертация ҳимояси ҳақидаги маълумотларни ОАК веб-сайтида эълон қилиш муддатини 15 иш кунидан 10 иш кунига қисқартиришни амалга ошириш (5 иш кунига қисқартирилади).</p> <p>2. Диссертация ҳимояси ОАК веб-сайтида эълон берилгандан сўнг 40 кун ичida ўтказилиши муддатини 25 кунгача қисқартириш (15 кунга қисқартирилади).</p> <p>3. Фан доктори (DSc) илмий даражасини бериш бўйича Аттестация ишини ОАКда кўриб чиқиш муддатини 3 ойдан 2 ойгacha қисқартириш.</p>	2023 йил 1 сентябрь	OAK
V. Аттестация жараёнининг шаффоғлигини ошириш				
9.	Фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражалари диссертациялари муҳокамасини ахборот тизимлари асосида кенг илмий жамоатчиликни жалб қилган ҳолда муҳокама қилишни ташкил қилиш.	Фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражалари диссертацияларининг илмий семинарлардаги муҳокамаси ва очиқ ҳимоясини ўтказиш жараёнини интернет тармоғи орқали реал вақт режимида кузатиш амалиётини жорий этишини йўлга қўйиш (грифли диссертациялар бундан мустасно).	2023 йил 1 сентябрь	OAK
10.	Фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражалари диссертацияларида кўчирмачилик (плагиат) ҳолатини ахборот тизимлари асосида кенг илмий жамоатчиликни жалб қилган ҳолда муҳокама қилишни ташкил қилиш.	<p>1. Диссертация бажарилган олий таълим ва илмий ташкилотда фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражалари диссертациялари муҳокамасини ташкил қилишдан олдин Antiplagiarism дастурий таъминотидан шартнома асосида ўтказишни ташкил қилиш (грифли диссертациялар бундан мустасно).</p> <p>2. Фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражалари диссертациялари сифатини ошириш ва кўчирмачилик (плагиат) ҳолатининг олдини олиш мақсадида диссертацияларни илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар қошидаги илмий семинарларда кўриб чиқиш жараёнида илмий жамоатчилик томонидан интернет тармоғи орқали электрон экспертизадан ўтказишни йўлга қўйиш (грифли диссертациялар бундан мустасно).</p>	2023 йил 1 сентябрь	OAK

		3. Диссертация химояларини интернет тармоғи орқали реал вақт режимидә мұхокама қилишни йўлга қўйиш (грифли диссертациялар бундан мустасно).		
--	--	---	--	--

VI. Илмий жамоатчилик билан доимий мұлоқот майдончаларини ташкил этиш

11.	Илмий жамоатчилик билан жонли мұлоқот ташкил қилиш.	1. Илмий жамоатчилик ва ёш тадқиқотчиларни ОАҚда қабулларини ташкил қилиш (қабул графиги асосида) 2. Олий таълим ва илмий ташкилотларда мунтазам равишида (режа-график асосида) илмий жамоатчилик ва ёш тадқиқотчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайёр қабуллар ташкил қилиш ҳамда изланувчиларга жойида услугбий ёрдам кўрсатиш амалиётини изчил давом эттириш.	2023 йил	ОАҚ раҳбарияти ОАҚ масъул ходимлари
-----	---	--	----------	-------------------------------------

VII. ОАҚ масъул ходимлари ва илмий даражалар берувчи илмий кенгашларнинг илмий котибларининг муомала маданиятини юксалтириш, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга ўқитиши бўйича

12.	Аттестация жараёнида ходимларнинг ижтимоий мұлоқот маданиятини ошириш.	1. Хизмат сифати, ходимларнинг мұаомила маданияти ва бошқа кўрсаткичларни маҳсус электрон мосламалари орқали баҳолаш тизимини йўлга қўйиш. 2. ОАҚ масъул ходимлари ва илмий кенгашларнинг илмий котиблари учун услугбий-амалий семинар ташкил қилиш.	2023 йил апрель (**) Ҳар ярим йилда (июнь, ноябрь)	Вазирлик, ОАҚ (Тегишли ташкилотлар вакилларини таклиф қилган холда)
-----	--	---	---	---